



**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР БЎЙИЧА
СЕМИНАР**

Тошкент-2021 й.

“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР



1 Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати



2 Ахлоқ кодекси



3 Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати



4 “Ўзкимёсаноат” АЖда контрагентларини текшириш бўйича қўлланма



5 Жамият томонидан тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш сиёсати



6 “Ўзкимёсаноат” АЖнинг ички текширувларини ўтказиш сиёсати



7 “Ўзкимёсаноат” АЖнинг алоқа каналлари орқали олинган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тўғрисида Низом



8 Совға бериш ва қабул қилиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш ва бизнес меҳмондўстлик қабул қилиш сиёсати



9 “Ўзкимёсаноат” АЖнинг хайрия ва хомийлик фаолияти тўғрисидаги сиёсати”



10 “Ўзкимёсаноат” АЖнинг Комплаенс хизмати тўғрисида Низом”



“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА



Uzkimyosanoat



2020 йил 19 ноябрдаги №103-сонли буйруғи билан “Совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш сиёсати” тасдиқланган.



“СОВҒАЛАР БЕРИШ ВА ОЛИШ...” СИЁСАТНИНГ МАҚСАДЛАРИ



1

Ходимларнинг совғалар бериш ва қабул қилиш, бизнес тадбирларида иштирок этиш ва ташкил этиш, шунингдек вакиллик харажатларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, коррупцияга қарши сиёсат ва жамиятнинг бошқа ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш



3

Совғалар бериш ва қабул қилишда, бизнес тадбирларида иштирок этиш ва ташкил этишда, шунингдек, вакиллик харажатларини амалга оширишда ва бизнес меҳмондўстлик белгиларини қабул қилишда ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига эга бўлиш эҳтимолини минималлаштириш



2

Жамият ходимларининг совғаларни бериш ва қабул қилиш, бизнес тадбирларида иштирок этиш ва ташкил этиш, шунингдек, расмий вазифаларни бажариш вақтида вакиллик харажатларини амалга ошириш ва бизнес меҳмондўстлигини қабул қилиш бўйича ягона тартибни белгилаш



4

Жамиятда совғалар бериш ва қабул қилиш, бизнес тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, шунингдек вакиллик харажатлар ва бизнес меҳмондўстлик белгилари назорат таъминлашдан иборат



СИЁСАТНИ ҚЎЛАШ ДОИРАСИ

1



Ушбу сиёсатнинг тамойиллари ва талаблари барча ходимлар учун, уларнинг эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, мажбурий

2



Ҳар қандай совға ёки ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгиларини бериши ва қабул қилишда жамият ходимлари коррупция хавфини яратиши ёки ноқонуний фойда сифатида қабул қилиниши назарда тутган ҳолда, мумкин бўлган хавфни баҳолашлари керак

3



Жамиятнинг ҳар бир ходими ишга қабул қилинганда ва ушбу сиёсатда назарда тутилган бошқа ҳолларда ушбу сиёсат билан танишиши ҳамда танишганлик юзасидан имзо билан тасдиқланиши ва унинг қоидаларига тўлиқ риоя қилиши керак

4



Шубҳага йўл қўймаслик учун ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган шахсий байрамларда, ходимларнинг бошқа ходимларга тақдим этилган совғалари ходимларнинг шахсий совғалари сифатида эътироф этилади, бу сиёсат билан тартибга солинмайди ёки тақиқланмайди. Шу билан бирга, бундай совғаларни тақдим этишда ва қабул қилишда ходимлар коррупция хавф-хатарини яратмаганликларига ишонч ҳосил қилишлари шарт



БИЗНЕС СОВҒАЛАРИ ВА БИЗНЕС МЕҲМОНДУЎСТЛИК БЕЛГИЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК



Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсат, Ахлоқ кодекси ва жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши;



Муайян воқеа/ходисага мутаносиб равишда оқилона асосланган бўлиши, яъни Бизнес совғалар умумий байрамлар (янги йил, Ватан ҳимоячилари куни (14 январь), Халқаро хотин-қизлар куни (8 март), миллий (Наврўз ва Мустақиллик) ва касбий байрамлар (Кимёгарлар куни) ҳамда ходимларнинг шахсий фаолиятидаги муҳим ҳодисалар (юбилейлар, туғилган кунлар) ва бошқаларда берилиши;



Совға қиймати мазкур сиёсат талаблари билан белгиланган чегараларга мувофиқ бўлиши



Бизнес совғалар қиймати хорижий давлат қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ чегараланган бўлиши



Жамият номидан учинчи шахсларга тақдим этиладиган бизнес совғалар ҳар доим совға берувчи сифатида жамият маблағларидан тўланиши



Совғалар фақат жамият Бошқаруви раиси ва Бошқаруви аъзолари томонидан ҳамда Бошқарув раиси ва Бошқаруви аъзоларига бўйсунадиган таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан берилиши лозим



ЖАМИЯТДА БИЗНЕС СОВҒАЛАРИ ВА БИЗНЕС МЕҲМОНДЎСТЛИК БЕЛГИЛАРИ ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ТАҚИҚЛАНАДИ



Нақд пул ва нақд пулсиз маблағлар ёки уларнинг эквивалентлари (шу жумладан карталар, қимматли қоғозлар, сертификатлар ва ҳ.к.) кўринишида



Бизнес қарор қабул қилиш жараёнида, шу жумладан харид қилиш тартиб-таомиллари жараёнида тақдим этилган ёки олинган



Қимматбаҳо, ҳашамдор бизнес совғалар ва буюмлар



Тақдим этувчи учун ҳар қандай мажбуриятларнинг юзага келишига сабаб бўлса



Олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини яратса



Қабул қилувчи учун бундай бизнес совғасини тақдим этиш ёки олиш ёки бизнес меҳмондўстлик белгиси ошкор қилинган тақдирда унинг обрўсига раҳна солувчи хавф яратганда



Жамиятнинг ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга оширишга рағбат сифатида, шу жумладан, ҳар қандай ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний ҳақ сифатида тақдим этилган ёки олинган совға



Жамият Ўзбекистон Республикасининг давлат мансабдор шахсларига ҳар қандай совға беришни таъқиқлайди



БИЗНЕС СОВҒАЛАРИ ВА БИЗНЕС МЕҲМОНДЎСТЛИК БЕЛГИЛАРИНИ БЕРИШ ВА ОЛИШ ҚУЙИДАГИ МЕЗОНЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК

КОНТРАГЕНТГА, ҲАМКОРГА ЁКИ БОШҚА ШАХСГА ЯҒОНА ТАДБИР МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН БИЗНЕС СОВҒАНИНГ ҚУЙИДАГИ ҚИЙМАТДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАК



Контрагентнинг юқори бошқаруви раҳбарлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида (810,0 минг сўм)



Контрагентнинг юқори бошқарувига бевосита бўйсунувчи бўлим бошлиқлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баравари миқдорида (540,0 минг сўм);



Контрагентнинг бошқа ходимлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг кўпи билан 1 (бир) баравари миқдорида (270,0 минг сўм)

БИР ТАДБИР МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ШАХСДАН ЖАМИЯТ ХОДИМИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БИЗНЕС СОВҒА ҚУЙИДАГИ ҚИЙМАТДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАК



Жамият Бошқаруви раиси ва аъзолари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида (810,0 минг сўм);



Жамият бўлим бошлиқлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баравари миқдорида (540,0 минг сўм);



Жамиятнинг бошқа ходимлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг кўпи билан 1 (бир) баравари миқдорида (270,0 минг сўм);



БЕЛГИЛАНГАН ЧЕГАРАЛАРДАН ОШИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ!



КОНТРАГЕНТЛАР, ҲАМКОРЛАР ВА БОШҚА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА БИЗНЕС СОВҒАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛАДИ

1



Агар контрагентлар, ҳамкорлар ёки бошқа учинчи шахсларга бизнес совғаларни бериш зарурияти туғилса, жамиятнинг манфаатдор таркибий бўлинимаси раҳбари 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай, маъмурий-хўжалик бошқармаси бошлиғига совға қилиш бўйича хизмат хати тайёрлайди ва юборади

2



Хизмат хати бизнес совғалар берувчи манфаатдор таркибий бўлинима раҳбари томонидан Иқтисодиёт ва бизнесни ривожлантириш Департаменти билан келишилган ҳолда имзоланган ва тасдиқланган йиллик бюджет харажатлари моддаларига (бизнес режага) мувофиқ бўлиши керак

3



Агар тегишли харажатлар моддаси бўйича бизнес совғалари учун бюджет ажратилмаган бўлса, хизмат хати қўшимча равишда жамият Бошқаруви раиси ва унинг иқтисодий ва молиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланиши керак

4



Жамиятнинг маъмурий-хўжалик бошқармаси бошлиғи барча кўрсатилган келишувлар орқали имзоланган хизмат хатини олганидан сўнг 3 (уч) иш куни ичида уни кўриб чиқиб, керакли миқдордаги бизнес совғаларни, манфаатдор бўлимлар учун сотиб олиш йўли билан ёки жамият омборида мавжуд бўлган ресурслар ҳисобидан белгиланган муддатда таъминлаши шарт

5



Агар хорижий давлат мансабдор шахси бизнес совғасини олувчи сифатида иштирок этса, хизмат хати коррупция хавфи йўқлигини аниқлаш учун Комплаенс назорат хизмати билан келишилган ҳолда имзоланиши керак

6



Бизнес совғаларини манфаатдор бўлинимага бериш рўйхати бизнес совғаларини юритиш реесстрида қайд этилади ва маъмурий-хўжалик бошқармаси томонидан юритилади



Агар кўрсатиб ўтилган келишувларнинг лоақал бирортаси бўлмаса, маъмурий-хўжалик бошқармаси раҳбари тўпلام ҳужжатларини олганидан сўнг 3 (уч) иш куни ичида тегишли бўлинма раҳбарини бу ҳақида хабардор қилиши ва талаб қилинган бизнес совғаларни рад қилиш орқали хизмат хатига жавоб бериши шарт

1



Агар бирон-бир сабабга кўра, бизнес совғалари жамият ходими томонидан олувчига тақдим этилмаган бўлса, у бу ҳақида маъмурий хўжалик бошқармасини хабардор қилади ва олинган кундан бошлаб, 3 (уч) иш куни ичида қайтарилишини таъминлайди ёки бизнес совғаси хизмат сафари вақтида берилиши назарда тутилган бўлса, хизмат сафари тугаганидан сўнг 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай қайтарилишини таъминлайди

2



Ҳар чоракда, ҳисобот чорагининг охиригидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай, маъмурий-хўжалик бошқармаси ҳисобот даври учун совғалар реестрларини Комплаенс хизматига тақдим этади.

3



Бизнес совғасини қабул қилган ходим, уни ушбу сиёсат талабларига мувофиқлигини белгилайди, шу жумладан унинг тахминий бозор нархини оммавий тармоқлардан (шу жумладан, интернет тармоқларидан) баҳолайди

4



Агар ходим совғани қабул қила олмаслигига шубҳа қилса, улар Комплаенс хизматига мурожаат қилишлари мум

5



СОВГАЛАР БЕРИШ ЁКИ ОЛИШ СИЁСАТИ БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА ҚУЙИДАГИЧА



Швейцария ва Франция жиноят қонунчилигида совға олиш ёки беришни тақиқловчи талаблар бўлмасда, алоҳида нормалар ёрдамида тартибга солинади.



Сингапур ва Қозоғистонда умуман совғалар бериш ва олиш қатъиян таъқиқланган



Қирғизистонда бир шахдан бир мартаба (\$12,5) совғалар олишга рухсат этилади



Тожикистонда бир йил давомида (\$541) совғалар олишга рухсат этилади



Туркманистондан совғалар бериш мумкин, лекин уларнинг чегаралари ўрнатилмаган



Россия Федерациясида бир шахдан бир мартаба 3000 рублгача (\$41,8) совғалар олишга рухсат этилади



Беларусь давлатида бир шахдан бир мартаба (\$58) совғалар олишга рухсат этилади



Грузия давлатида 300 ларигача (\$96) совғалар олишга рухсат этилади



Молдавияда бир йил давомида (\$60) совғалар олишга рухсат этилади



Украинада бир шахдан 2270 грн. (\$86,2) миқдорида совға олиш мумкин



Мазкур давлатларнинг миллий пул бирлиги 11.10. 2021 й.даги АҚШ долл. курси олинган





БИЗНЕС СОВҒАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ



Жамият ходимларига ушбу сиёсатда белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилиш шарти билан расмий вазифаларини бажариш давомида камтарона ва мувофиқ бизнес совғаларини қабул қилишга рухсат берилади

1

2

Агарда берилган совға мазкур сиёсат талабаларига зид бўлса, ходим Комплаенс хизматига совға берувчига совға билан бирга қайтарилган миннатдорчилик хатининг сканер нусхаси ҳамда совғани қабул қилувчи, совға берувчи, совғанинг тавсифи қайд этилган электрон хатни тақдим этиши шарт



Агар совға берувчига қайтариб берилган бизнес совға жамиятнинг ишбилармонлик обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса ёки бошқа сабаблар билан уни қайтаришни имкони бўлмаса, ходим ушбу совғани жамиятнинг маъмурий-хўжалик бошқармасига топшириши лозим.

3

4

Агар ходим тақдим этилган совғага шубҳа қилса, у Комплаенс хизматига мурожаат қилиши мумкин



Ҳар чорақда, ҳисобот чорагининг охири ойининг 5-кунидан кечиктирмай, маъмурий-хўжалик бошқармаси, Комплаенс хизматига ҳисобот даврида жамиятга берилган бизнес совғалари реестрини тақдим этади


5



ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ИШБИЛАРМОНЛИК МЕҲМОНДЎСТЛИГИ БЕЛГИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ




Жамиятнинг ходимларига ўзларининг расмий вазифаларини бажариш вақтида, ушбу сиёсатнинг талабларга тўлиқ риоя қилган (бизнес мақсадга мос бўлиши, коррупцион хавфлар бўлмаслиги ва ҳ.к.) ҳолда бизнес меҳмондўстлигининг камтарона ва тегишли белгиларини қабул қилишлари, шу жумладан, ишбилармонлик тушлиги, кечги овқатга таклифларни қабул қилишларига руҳсат этилади



1




Ҳаддан ташқари ҳашаматга, қиммат харажатларга, исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги ёки тез-тез такрорланмаслиги лозим.



2



Бизнес меҳмондўстлик белгилари кўнгилочар бўлмаслиги, уларнинг асосий мақсади ахборот алмашинуви ўтказиш, бизнес ва иш масалалари муҳокамаси ва ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлардан иборат бўлиши лозим



3



Жамият ходимларига фақат кўнгилхушлик мақсадида учинчи шахслардан таклиф қабул қилиш ёки учинчи шахсларни таклиф қилиш қатъиян таъқиқланади



4



Жамият ходимлари таклиф қилинган ишбилармонлик доирасида ўтказилмайдиган спорт ва маданий тадбирлар чипталари бизнес совғалари сифатида таснифланиши лозим



5



Коррупцион хавф бўлганда бундай тадбирни Комплаенс хизмати ходимлари билан олдиндан келишиб олишлари лозим



6



БИЗНЕС-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



Контрагентлар, ҳамкорлар ёки бошқа учинчи шахслар таклиф этиладиган бизнес-тадбирларни ташкил этишда жамиятнинг манфаатдор бўлим бошлиғи маъмурий-хўжалик бошқармаси бошлиғига тадбир ўтказилишидан камида 20 (йигирма) иш куни олдин хизмат хати тайёрлайди ва юборади.



Маъмурий хўжалик бошқармаси раҳбари хизмат хатини олганидан 5 (беш) иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва тадбирни ўтказиш учун кетадиган харажатлар сметасини тадбирни ўтказишдан манфаатдор таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан келишган ҳолда тасдиқлаши шарт



Жамиятнинг манфаатдор бўлинмаси раҳбари смета билан биргаликда хизмат хатини, Иқтисодиёт ва бизнесни ривожлантириш департаментига тегишли харажат моддалари бўйича йиллик бюджетга мувофиқлигини тасдиқлаш учун тақдим этади




Контрагентлар, ҳамкорлар ёки бошқа учинчи шахслар таклиф этиладиган бизнес-тадбирларни ташкил этишда жамиятнинг манфаатдор бўлим бошлиғи маъмурий-хўжалик бошқармаси бошлиғига тадбир ўтказилишидан камида 20 (йигирма) иш куни олдин хизмат хати тайёрлайди ва юборади.



Барча зарур келишувлар бўлганидан сўнг, жамиятнинг манфаатдор бўлинмаси раҳбари якуний тасдиқлаш учун смета билан бирга хизмат хатини Бошқарув раисига тақдим этади. Сўнгра жамият маъмурий хўжалик бошқармаси бошлиғига 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай тадбирни ташкил этиш учун йўллайди.



Ҳар чорақда ҳисобот чораги охирига ойининг 5-кунидан кечиктирмай жамиятнинг маъмурий хўжалик бошқармаси ҳисобот чорагида ташкил этилган бизнес-тадбирлар тўғрисида ҳисоботни Комплаенс хизматига тақдим этади





ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ

1

ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ХАРАЖАТЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ

Расмий қабул ўтказиш (нонушта, тушлик ёки бошқа шу каби тадбирлар);

2

Музокаралар чоғида буфет хизмати

3

Расмий тадбирда иштирок этадиган шахсларни тадбир жойига етказиш ва қайтариб олиб келиш бўйича транспорт таъминоти

4

Вакиллик тадбирлари ўтказишда жамият штатида бўлмаган таржимонлар хизматлари учун тўлов

ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК

- -Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Коррупцияга қарши сиёсат, Ахлоқ кодекси ва жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мос бўлиши
- -Жамиятда тасдиқланган бюджет, шунингдек белгиланган чегаралар доирасида амалга оширилиши
- -қонуний хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиши
- -ишбилармонлик мақсади ёки ҳодисаси билан боғлиқ бўлиши
- -ўзининг мазмуни ва қиймати билан мос келувчи ва бизнес тадбирларига мос жойларда ўтказилиши
- -учинчи шахслар томонидан нақд пул кўринишида ёки компенсация сифатида ҳисобварақларга тўловларни амалга оширмаслик
- -жамиятнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ноқонуний имтиёзлар оладиган яширин мукофот бўлмаслиги керак.



ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ



Вакиллик харажатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг лавозимлари рўйхати жамият Бошқаруви раисининг буйруғи билан белгиланади. Вакиллик харажатлари тўловларини **корпоратив карта ёрдамида нақд пулсиз маблағлар орқали амалга оширилади** ва Корпоратив картадан фойдаланиш тартиби жамиятнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжати билан тартибга солинади.



Ходимнинг иш ҳақи ёки бошқа карточкадаги нақд пулсиз пул маблағларидан вакиллик харажатлари учун тўловларни амалга оширишга йўл қўйилади, фақатгина тақдим этилган ҳужжатлар асосида сарфланган маблағларни кейинчалик қоплаб бериш шарти билан

ЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА НИСБАТАН ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪҚИҚЛАЙДИ



Хорижий давлатнинг давлат мансабдор шахсларига вакиллик харажатларин амалга ошириш фақат расмий делегациялар ёки халқаро кўргазмалар доирасида рухсат этилади, лекин бу хорижий давлат қонунчилиги талабларига тўғри келиши керак



Вакиллик харажатлари амалга ошириладиган шахснинг, давлат мансабдор шахсининг мақомига текшириш ва хорижий давлатнинг талабларини таҳлил қилиш учун жавобгарлик ушбу шахсга вакиллик харажатларини амалга оширишни ташкил қилган жамият ходимига юклатилади



“Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиш шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”.

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



ISO 37001:2016 халқаро стандартининг 8.7 банди “Совғалар, вакиллик тадбирлари, ихтиёрий хайр-эҳсон ва ухшаш моддий рағбатлантиришлар” тўғрисида бўлиб, унда ташкилот томонидан пора олиш ва бериш сифатида қабул қилиниши ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ҳаракатлар каби совғалар таклиф этиш, тақдим этиш ёки олиш, қабулларни ўтказиш, ихтиёрий хайр-эҳсонлар ва ўхшаш моддий рағбатлар олдини олиш учун мўлжалланган тартиботларга риоя қилиши лозим.



9978-140-74-48



t.me/uksanticor



www.uzkimyosanoat.uz




anticorruption@uks.uz



uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz





***ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!***